

## БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЎРНИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ ДОЛЗАРБЛИГИ

**Шукуров Файзулла Бобонорович**

*Ўзбекистон Республикаси Банк Молия Академияси тингловчиси*

**Аннотатсия:** Мақолада бюджет ташкилотларида ички аудит хизматининг ўрни ва бугунги кундаги долзарблиги ёритилган. У ички аудит функциясини тартибга солувчи тамойиллар, амалиётлар ва қоидаларни ҳамда унинг самарали молиявий бошқарув, ҳисобдорлик ва шаффофликни таъминлашдаги ролини ўрганади. Назарий жиҳатлар ички назорат, рискларни бошқариш, корпоратив бошқарув ва ахлоқий мулоҳазаларнинг асосий тушунчаларини ўз ичига олади. Ҳуқуқий жиҳатлар ме'ёрий-ҳуқуқий база, аудиторларнинг мустақиллиги, ҳисобот талаблари, молиявий ва аудит стандартларига мувофиқлигига қаратилган. Мақолада молиявий бошқарувни такомиллаштириш, фирибгарликни аниқлаш ва рискларни бошқариш амалиётини такомиллаштиришда ички аудитнинг аҳамияти муҳокама қилинади. Шунингдек, у аудиторларнинг малакаси, аудит қо'митасининг роли ва ички аудит жараёнларидаги технологик ютуқларни кўриб чиқади.

**Калит сўзлар:** ички аудит, бюджет ташкилотлари, молиявий бошқарув, рискларни бошқариш, корпоратив бошқарув, ахлоқий жиҳатлар, ме'ёрий-ҳуқуқий база, фирибгарликни аниқлаш, тафтиш комиссияси, технологик ютуқлар.

**Аннотатсия:** В статье исследуются теоретические и правовые аспекты деятельности службы внутреннего аудита в бюджетных организациях. В нем рассматриваются принципы, практика и положения, регулирующие функцию внутреннего аудита, а также ее роль в обеспечении эффективного финансового управления, подотчетности и прозрачности. Теоретические аспекты охватывают основополагающие концепции внутреннего контроля, управления рисками, корпоративного управления и этических соображений. Юридические аспекты сосредоточены на нормативно-правовой базе, независимости аудиторов, требованиях к отчетности и соблюдению финансовых стандартов и стандартов аудита. В статье рассматривается важность внутреннего аудита в совершенствовании финансового управления, выявлении мошенничества и совершенствовании практики управления рисками. В нем также рассматриваются квалификации аудиторов, роли комитетов по аудиту и технологические достижения в протсессах внутреннего аудита.

**Ключевые слова:** внутренний аудит, бюджетные организации, финансовое управление, управление рисками, корпоративное управление, этические соображения, нормативная база, выявление мошенничества, комитет по аудиту, технологические достижения.

**Abstract:** *The article explores the theoretical and legal aspects of the internal audit service in budget organizations. It examines the principles, practices, and regulations that govern the internal audit function and its role in ensuring effective financial management, accountability, and transparency. Theoretical aspects encompass the underlying concepts of internal control, risk management, corporate governance, and ethical considerations. Legal aspects focus on the regulatory frameworks, independence of auditors, reporting requirements, and compliance with financial and auditing standards. The article discusses the importance of internal audit in enhancing financial governance, detecting fraud, and improving risk management practices. It also addresses qualifications of auditors, audit committee roles, and technological advancements in internal audit processes.*

**Keywords:** *internal audit, budget organizations, financial governance, risk management, corporate governance, ethical considerations, regulatory frameworks, fraud detection, audit committee, technological advancements.*

### КИРИШ

Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий сиёсатининг асосий мақсадларидан бири ижтимоий ва иқтисодий соҳадаги мавжуд барча салоҳиятни комплекс ва тезкор юзага чиқаришдир. Агар илгари ушбу мақсад фақат молиявий барқарорлик сифатида тушунилган бўлса, эндиликда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий тизимини ҳалқаро иқтисодиётда етакчи ўринларни эгаллаган давлатлар даражасида ривожлантиришга қаратилган.

Ушбу мақсадлар “Ўзбекистон -2030” стратегиясининг асосий ғояларидан бири сифатида қўйидагича акс эттирилган “ Барқарор иқтисодий ўсиш орқали даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторидан ўрин олиш”<sup>12</sup>

Бу борада Давлатимиз раҳбари Парламентга мурожаатномасида “ Кенг кўламли ва самарали ислохотларимиз натижасида ялпи ички маҳсулот ҳажми илк бор 80 миллиард доллардан ошди. Иқтисодиётимизга шу йилнинг ўзида 8 миллиард доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кириб келди,экспортимиз эса 19 миллиард долларга етди. Бундай катта натижалар илгари бўлмаган.”<sup>13</sup> деб иқтисодётимизнинг ўсишига ижобий баҳо бердилар.

Бу ижобий ўзгаришлар билан биргаликда Ўзбекистоннинг давлат молиясини бошқариш тизимида бюджет ташкилотлари олдида бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш вазифаси доимо долзарблигича қолмоқда. Ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб, мамлакат иқтисодиётини муҳим қисмини ташкил этадиган бюджет маблағларидан самарали ва режали сарфланиши юзасидан бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этиш орқали мақсадсиз харажатларни қисқартиришга имкон

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-158 “Ўзбекистон -2030” стратегияси тўғрисида 11.09.2023

<sup>13</sup> O'zbekiston Respublikasi Prezidentini Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasidan 20.12.2022

яратилади. Халқаро иқтисодий форумда таъкидланганидек, “ Бозор иқтисодиёти шароитида бюджет ташкилотларида ички аудитнинг роли ортиб бормоқда, чунки нафақат харажатларни олинган даромадлар билан таққослаш, балки молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш ва харажатларни қатъий назорат қилиш зарур”<sup>14</sup> Хорижий мамлакатларда ички аудитга эга бўлганлари ўзларининг функцияларини муайян қонунлар ёки қоидаларга мувофиқ ўрнатган, мамлакатимизда ҳам бу соҳада қатор ислохотлар аллақачон бошлаб юборилди.

Давлат бюджетидан молиялаштириладиган бюджет ташкилотларида ички аудитни жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августдаги ПҚ-3231-сонли “ Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ва давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарорида ҳам ўз аксини топган. Ушбу қарорга биноан, Ўзбекистон Республикаси Халқ талими, Соғлиқни сақлаш, Олий ва ўрта-махсус талим вазирликларида ва Пенсия жамғармаси тузилмасида Ички аудит ва молиявий назорат хизматлари ташкил этилди. Янги бўлинмалар бюджет мабдағларини ноқонуний сарфланиши, талон-тарож қилиниши каби ҳолатларни аниқлаш ва олдини олиш билан шуғулланади. Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини фаолиятидаги назорат тартиби, рискларни баҳолаш ва минималлаштириш, ташкилотнинг иш самарадорлигини ошириш, бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш, коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш, миллий ички аудит стандартлари асосида назоратни ташкил этиш масалалари амалиётга жорий этилмоқда. Хусусан мазкур мавзу бўйича хусусий секторда илмий маълумотлар ва нашрлар етарлича шакллантирилган, аммо бюджет ташкилотларида Ички аудит хизматини ташкил этишда услубий ва амалий муаммоларнинг мавжудлиги мазкур соҳада изланишлар олиб бориш лозимлигини тақазо қилади.

#### **Адабиёт таҳлили:**

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати тушунчасига халқаро ва миллий даражадаги иқтисодчи олимлар ва соҳанинг амалиётчи мутахассислари (аудиторлар, бухгалтерлар, таҳлилчилар) томонидан кўплаб таърифлар ҳамда турли ёндошувлар берилган. Ушбу таърифларнинг барчасида ягона бир мақсад мужассамлашганини кўриш мумкин, яъни Бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати бу ташкилотнинг фаолиятидаги номуаносибликларни аниқлаб, уларни бартараф этиш ва керакли маслаҳат, тавсияларни бериб бориш ва доимий мониторинг ўтказиш фаолиятидан иборатдир.

Биз асосан Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ёритишда Хорижий ва маҳаллий олимларимизнинг қарашларини, ички аудитга берилган тарифларини ўргандик.

---

<sup>14</sup> Рябушка Л.Б. Перспективы развития внутреннего аудита в Бюджетной сфере, Международный экономический форум, 2016

Ички аудит – ички аудитор томонидан амалга ошириладиган, вазирлик, кўмита ва идоралар ички назорат тизимининг сифати ва самарадорлигини мунтазам равишда кузатиб бориш, баҳолаш ва уни такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериш орқали вазирлик, кўмита ва идоралар фаолиятини яхшилашга қаратилган мустақил ва объектив фаолиятдир.

Бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини ташкил этишни тадқиқ қилар эканмиз, бу йўналишда илмий фаолият олиб борган олимларимизнинг фикр-мулоҳазаларини ҳамда ишланмаларини кўриб чиқишни лозим топдик.

“Ин-аудит” ташкилотининг аудитори Б.Б.Бурцев(2017)нинг фикрича “Ички аудит - бу ташкилот фаолиятини ҳар хил нуқтаи назардан ва ташкилотнинг бошқариш бўлими фаолиятини ички ҳужжатларини тартибга солишни назорат қилади, ташкилот бошқарувини амалга оширишда махсус назорат органи вакиллариغا чегараланган ёрдам кўрсатади”.

Падам С Гҳисинг (2020) бюджет ва бошқа ташкилотларда ички аудит деганда хўжалик юритувчи субъект томонидан ташкил этилиб, унинг менежменти ва мулкдорлари манфаатларидан келиб чиқиб, ички ҳужжатлар билан тартибга солинадиган, белгиланган бухгалтерия тартибига риоя этилиши ва ишончилиги устидан назорат тизими тушунилишини қайд этиб ўтган. Шунинг учун ички аудит ташкилотни бошқаришда учинчи мудофаа йуналиши сифатида қараладиган муҳим функция ва ташкилотдаги хатарларни бошқариш ва назорат қилиш жараёнлари самарадорлигини баҳолаш учун қимматли восита ҳисобланади. Бу ташкилотга ўз мақсадларини амалга оширишда, мустақил равишда объектив ишонч ва ташкилотнинг фаолиятини яхшилаш ва қийматини ошириш учун мўлжалланган консалтинг хизматларини тақдим этиш орқали ёрдам беради. Ички аудит томонидан иш жараёнларини доимий равишда кузатиб бориш ва кўриб чиқиш жараёнларни такомиллаштириш бўйича назорат тавсиялари орқали ушбу жараёнларнинг самарадорлигини оширади.

Бу жараёндан олдин биринчи ва иккинчи мудофаа сифатида ички назорат ҳамда молиявий назорат назарда тутилган. Ички аудит эса учинчи мудофаа сифатида ҳам тўлдирувчи ҳам яқунловчи сифатида қаралади.

### **Мунозара:**

Кўпгина адабиётларда ички аудит ва ички назоратнинг элементлари бирига ўхшаб кетади. Аммо, уларни аслида вазибалари жиҳатидан катта фарқлари мавжуд. Ички аудит хизмати доим ички назорат билан ёнма-ён келади. Ички назорат ички назорат ички аудитга ёрдамчи сифтида қаралади.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Остоноқулов, Абдурахмонов (2018)га кўра, бюджет ташкилотларида ички аудит хизмати бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобининг юритилишини таъминлаш, бюджет маблағларининг ноқонуний сарфланиши ва талон-тарож қилиниши ҳолатларининг қуйидаги йўллар билан профилактикасини таъминлаш, шартномалар тузилиши устидан мониторинг қилиш, асоссиз дебитор ва

кредитор қарздорликларга йўл қўймаслик, бюджет интизомини мустақкамлашга хизмат қилади.

Шу ўринда такидлаб ўтиш керакки, давлат ташкилотларининг ички аудит хизмати фақат назоратни эмас балки, турдош хизматлар кўрсатиш вазифасига ҳам эга. Бугунги кунда мамлакатимизда халқаро стандартларга ўтиш жараёни кетаётганини ҳисобга олсак, халқаро тажриба асосида молиявий ҳисоботларни назорат қилиш, молиявий ҳисоботларни компиляциялаш, бу борада консалтинг хизматларини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга.

### **Натижалар:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 2022 йил 14 февралдаги ПҚ-128-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек, вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сонли «Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга кўра Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисида намунавий низом ишлаб чиқилди

Ушбу Низом вазирлик ва идоралар ички аудит хизматининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларнинг фаолиятини ташкил этиш тартибини белгилайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, ўзлари фаолият юритаётган вазирлик ва идоранинг қарорлари, буйруқлари ва фармойишларига, шунингдек, ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.<sup>15</sup>

Бюджет ташкилотида Ички аудит хизмати ташкилотнинг асосий фаолияти натижаларига жавобгар ҳисобланмайди.

Ички аудит хизмати томонидан ички аудит мақсадлари ва вазифаларини амалга ошириш учун ички аудит объектларида, шу жумладан, фуқаролар иштирокидаги аудит тизими орқали аниқланган объектларда ички аудит тадбирларини ўтказиши, натижаларини расмийлаштиради ҳамда таклиф ва тавсиялар тайёрлайди.


Бюджет ташкилотида ички аудит тадбирлари ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланган ички аудит йиллик режаси асосида ўтказилади.

<sup>15</sup> Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги 416-сонли «Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори

Бюджет ташкилотида ички аудит хизмати ходимлари томонидан ички аудит тадбирлари ички аудитнинг миллий стандартлари ва ички аудит тадбирларини ўтказиш қўлланмаси асосида ўтказилади.

Стандартнинг мақсади ички аудит хизмати фаолиятининг тамойиллари ва сифат кўрсаткичларини белгилаш ҳамда ички аудит тадбирларини ўтказишнинг стандартларини жорий этиш ҳисобланади.

### 5 - расм. Ички аудит хизмати тамойиллари<sup>16</sup>



Ички аудит хизмати ўз фаолиятини амалга оширишда мустақилдир.

Ички аудит хизмати ва унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан ички аудит тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда беғараз бўлиши ва холислик билан ёндашиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим.

Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда малакага эга бўлиши ҳамда мунтазам ўз малакасини ошириб бориши лозим.

#### Хулоса:

Хулоса киладиган бўлсек, бюджет ташкилотида ички аудит фаолиятини янада самарали йўлга қўйиш бюджет ҳамда бюджетдан ташари маблағларнинг мақсадли ҳамда оқилона сарфланиши таъминланишини мустаҳкамлайди.

Бюджет ташкилотларида ички аудит ва ички назорат тизимини самарали ташкил этилиши ва уларнинг ўзаро ҳамкорликда фаолият олиб боришини таъминлаш мақсадида халқаро COSO модели компонентларидан фойдаланган ҳолда модел ишлаб чиқиш лозим. Бу модел бизнинг фикримизча бюджет ташкилотларида ички аудит ва ички назоратни ўзаро ҳамкорлиги доирасида ташкилотнинг фаолиятини самарали олиб борилишини таъминлаб бериши шарт.

<sup>16</sup> муаллиф томонидан тузилган.

Ички назорат тизимига таъсир этувчи омиллар ўрганилиб, ички аудит ва ички назорат тизимларини ўзаро алоқаси шакллантирилиш, халқаро COSO модели асосида бюджет ташкилотида ички назорат ҳамда ички аудит хизматини ташкиллаштириш компонентлари ишлаб чиқиш, шунингдек, ташкилот раҳбари томонидан ички назоратни ташкил этишда бажарадиган вазифалар аниқ белгилаб берилиши лозим

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони ПФ-158 “Ўзбекистон - 2030” стратегияси тўғрисида 11.09.2023
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentini Sh.M.Mirziyoyevning Oliy Majlisga murojaatnomasidan 20.12.2022
3. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017yil 21 avgustdagi PQ- 3231-sonli “Ta’lim va tibbiёт muassasalarini moliyalashtirish mexanizmini hamda davlat moliyaviy nazorati tizimini yanada takomillashtirish to’g’risida”gi Qarori. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
4. “International Standards for the Professional Practice of Internal Auditing”, Institute of Internal Auditors, 2004, page 12 <https://na.theiia.org/standards>.
5. A.Guseev “Polojenie o vnutrennem finansovim kontrole” Jurnal: “Silovые ministerstva i vedomstva: buxgalterskiy uchët i nalogooblojeniya» № 1/ 2017 g. [www.taxpravo.ru/analitika/statya](http://www.taxpravo.ru/analitika/statya).
6. Statya: Yelena P.A. “ Teoreticheskie osnovы organizatsii vnutrennego audita v byudjetnyx uchrejdeniyax Ukrainы” Jurnal “Poltavskiy universitet ekonomiki i torgovli” [www.unwe.bg/.../a644ac](http://www.unwe.bg/.../a644ac)
7. [www.scopus.com/results/results.uri](http://www.scopus.com/results/results.uri) [www.nauka-rastudent.ru/26/3225/](http://www.nauka-rastudent.ru/26/3225/)